Фитрат бу асарларни йиглаб, хайкириб ёзган эди, зиёлилар хам уни йиглаб, хуррият учун курашиш хакида касамёд килиб ўкиганлар. Аммо, афсуски, ўзбек халки Феврал инкилоби берган тарихий имкониятдан фойдалана олмади.
Маълум бўлишича, Фитрат 1918-йилда ёзган «Юрт кайгуси» номли тўртта шеъридан ташкари, 1920-йилда хам шу номда яна бир сочмани ёзган экан. Бу Фитратнинг «Тенгиз» тахаллуси билан ёзилган асари бўлиб, «Бухоро ахбори» газетасининг 1920-йил 5-октабр сонида босилган ва якинда адабиётшунос Сирожиддин Ахмад томонидан матбуотда эълон килинди. Асарда Бухоро амири тахтдан агдарилгандан кейинги тарихий давр манзаралари тасвирланади.
Бу шеърнинг топилиши Фитратнинг Туркистон Мухторият хукумати шафкатсиз равишда тор-мор этилганидан кейин хам эрк ва хуррият учун фаол кураш олиб борганидан дарак беради.
Фитрат худди шу фаолияти учун — ўз ватанининг мустакиллиги йўлида изчил фаолият олиб борганлиги учун дастлаб адабиёт оламидан узоклаштирилди, ёзган асарлари нашр этилмади, 1937-йилда эса «халк душмани» сифатида айбланиб отиб ташланди.
Аммо бутун хаёти ва ижодини мустакиллик учун курашга тўла-тўкис багишлаган, «Юрт кайгуси» сингари халкни озодлик учун курашга даъват этувчи шеърлар, насрий асарлар ва драмалар ёзган Фитрат доим халк хотирасида бархаёт колади.

— Она! Нечунгина йиглайсан? Бугун саодатга эришдик, яна кайгурасанми? Бугун ўз тилагингга етишдинг, кўз ёшларингни тўкадирсанми?
Эмди кайгурмок чоги битди, йигламок палласи йўк бўлди, рохат кунларинг етишди, онам!
— Ох... ўглум, арслоним! Мустабид хукумат уйимни талатди: буюк биноларимни йикитди: суюкли ўглонларимни ўлдурди.
Тахаммул этдим, сабр килдим, кимсага бир огиз сўз бу тўгридан очмадим. Негаким, кўлларинда килич, ўмузларинда тўфанг, мани ўлдирмокка хозир эдилар. Дунёнинг мукофот эканлигин билган эдим.
Билар эдимки, бу золимлар бир кун килгон зулмларининг мукофотини кўрарлар. Билардимки, тўкилган конларнинг хар бир томмасидан бирор арслон яратилуб бунларнинг конларини ичарлар.
Кўзлари кўр, кулоклари кар бўлиб оналарини тонимайдилар, юрагимни тешадирлар, багримни парчалайдилар. ўзларини тарбия килиб етиштирган оналарини йўк бўлувига сабаб бўлдилар.
Ўйламас ўгилларим бутун бир кутимни ётларга талатиб, номусимни гайриларнинг оёги остинда олдилар.
Бўйла оналарига душманликлари ўз бошларига етди, букун кўруб тўргон мукофот у килгон зулмларига карши эди.
Шу давлат, шу гурурларига маст бўлгон хоинларнинг касофати тегди. Бутун уйимни ёндирдилар, юрагимдан алангалар чига бошлади, буюк биноларим ёниб битди.
Гўзал-гўзал масжидларим кул бўлди. Золимга карши отилган тўплар маним том юрагимни тешди, у мустабидларга карши отилгон тўфанглар мани хавфга солди.
Нима килайин, ох, мингларча гунохсиз маълум ўглонларимни нохак ерда конлари тўкилди, канча оналар боласиз ва неча ўглонлар онасиз колди.
— Онажоним! Йиглама, душманлар махв бўлди, у мустабид кон ичувчилар битирилди. У

мустабидлар кўлиндан очилгон яраларингни тузатмак учун дўктурлар хозирланиб, захмлар тузатилди.
Эмди йиглама. Санинг саодатингни чин кўнгулдан истаб юргон болаларинг холингни сўргали келдилар. Тур! Йигламок ўрнида бир оз кул.
— Ох, арслон ўглонларим! Эмди чин суюкли ўглонларимни кучогинда ётайин. Ох, мен сизни бу кунларим учун етиштирган эдим. Маним эмканиб тарбия килгон чокларимни эсингиздан чикармайсиз.

Абдурауф Фитрат
«Бухоро ахбори» газетасининг 1920-йил 5-октабр сонида босилган.